

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**



"Жиззах вилояти Янгиобод тумани "Учтурғон" чегара божхона постини ичимлик  
суви билан таъминлаш" обьектини лойиха смета хужжатларини ишлаб чиқиш  
бўйича

# **ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ**

2022 йил

**БАРЧА ЛОЙИХА ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !!!**

**"Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжинииринг  
Компанияси" УК Жиззах вилояти худудий бошқармаси**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

---

**Объект номи:** "Жиззах вилояти Янгиобод тумани "Учтурғон" чегара божхона постини ичимлик суви билан таъминлаш" **объектини лойиха смета хужжатларини ишлаб чиқиш.**  
**Объектнинг бошланғич нархи** (ҚҚС билан) – 31 500 000 сўм.  
**Ишларни тугаллаш муддати** – 20 кун.

**Буюртмачи:** Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжинииринг компанияси УК Жиззах вилояти худудий бошқармаси

**Жойлашган манзили-**Жиззах шахар Кимёгар МФЙ Тўқимачилар кўчаси -уй,  
 телефон- 72-222-82-43

**Молиялаштириш манбаси:** Жиззах вилояти маҳаллий бюджети

Танлов иштирокчилари қўйидаги талабларга лойик бўлишлари лозим: иш (хизмат) ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, лицензияга, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига ва етарли тажрибага эга бўлишлари шарт.

- ◆ Тасдиқланган Танлов хужжатлари билан танишиш учун буюртмачи томонидан жойлаштирилган давлат харидлари бўйича маҳсус ахборот портали [www.etender.uzex.uz](http://www.etender.uzex.uz) дан юклаб олиш мумкин;
- ◆ Иштирокчи Танлов хужжатларини маҳсус ахборот порталида эълон қилинган кундан бошлаб, кабул қилишни охирги муддатигача электрон шаклда топширишлари мумкин.
- ◆ [www.etender.uzex.uz](http://www.etender.uzex.uz) маҳсус порталига электрон тарзда юклangan таклиф (оферталар) комиссия томонидан кўриб чиқилади.

**"Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши  
бўйича инжинииринг Компанияси" УК Жиззах вилояти  
худудий бошқармаси бош мухандиси:**



Y.Сакиев

## ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

**Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси ДУК Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси Танловда иштирок этишга иштирокчиларни таклиф этамиз ва куйидаги обьект бўйича Танлов таклифини электрон тақдим этилишини сўраймиз.**

Объект номи: : "Жиззах вилояти Янгибод тумани "Учтўрғон" чегара божхона постини ичимлик суви билан таъминлаш" **объектини лойиха смета хужжатларини ишлаб чиқиши** Объектнинг бошлангич нархи (ҚҚС билан) – **31 500 000 сўм.**

Ишларни тугаллаш муддати – **20** кун.

Буюртмачи: Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси УК Жиззах ҳудудий бошқармаси

Лойихани молиялаштириш манбаси: **Жиззах вилояти маҳаллий бюджетининг эркин қолдиқ ва даромадлари режасининг ошириб бажарилган қисми хисобидан.**

Танловда таклиф этилган шартлар бўйича мулчилик шаклидан қатъий назар, маҳаллий ва хорижий ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиши учун иштирокчиларга куйидаги талаблар қўйилади:

фуқаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати;

Тегишли лицензияларга эга бўлиши;

доимий ходимлари, жумладан техник-муҳандис ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, жумладан, Танлов предметида кўзда тутилган ишларни амалга ошириш учун етарли оғис техникалари, лойиҳалаштириш учун тегишли электрон дастурларга эга бўлиши;

Молиявий холати:

Танлов предметига ўхшаш объектларда ишлаганлиги бўйича етарли тажрибаси мавжудлиги; бажарилган ишлар, жумладан ўз кучи билан аввал бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш;

устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

Куйидаги Танлов иштирокчилари Танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (бўлиниш, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олингандар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар;

Буюртмачи билан судлашув жараёнида бўлган ташкилотлар.

Танлов таклифини тайёрлаш тақдим этиш учун керакли барча хужжатлар ва кўрсатмалар Танлов иштирокчилари учун йўрикномада акс эттирилган.

Танлов иштирокчилари танишиб чиқиш ва Танлов таклифини тузиш мақсадида, Танлов предметининг лойиха хужжатлари хусусан ишчи лойихани ишлаб чиқиш топшириғини тқдим этилиши хақида буюртмачига мурожаат қишишга ҳақли.

Таклифларни топшириш Танлов иштирокчisinинг Танлов хужжатларига қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш ҳамда бошқа шартларга нисбатан лойихани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Оферталарни кўриб чиқиши электрон тизим орқали амалга оширилади.

**БЮОРТМАЧИ БОШ МУҲАНДИСИ:**



У.Сакиев

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

### I. ИШЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАЪРИФИ

1.1. Буортмачи - Танлов ахборот жадвалида (кейинги ўринларда ТАЖ деб аталади) кўрсатилган объект бўйича ишларни олиб боришни мўлжаллаб, Танлов ташкилотчиси номидан иш юритиб, ТАЖда кўрсатилган объект бўйича Танлов ўтказилишини эълон қиласди.

1.2. Танловнинг тури – очик Танлов, агар ТАЖда бошқача айтиб ўтилмаган бўлса.

1.3. Ишлар Танлов хужжатларининг тижорат қисмида жойлашган намунавий шартнома талабларига биноан бажарилиши лозим.

1.4 Лойиха ишшлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи шахарсозлик нормалари ва қоидалари тўла мос келишини таъминлаш мақсадида, талаб қилинадиган барча ишчи кучлари. Курилиш материаллари, ёқилғи, жихозлар, умумий ва алоҳида характердаги иш турлари, барча зарур бўлган йўлдош ва ёрдамчи иш ва материаллар, иштирокчилар фаолиятини мувофиқлаштиришни назарда тутади.

1.5 Танлов хужжатлари электрон тарзда берилган хужжатлар аосида ишлаб чиқиласди. Бунда пудратчи ўзининг таклифида экспертиза ижобий хulosасини ўз хисобидан олиб беришини хисобга олиши лозим.

### II. ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ МУНДАРИЖАСИ

2.1. Ушбу Танлов хужжатлари “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва бошқа конуности, норматив-хуқуқий хужжатларининг талаблари доирасида ишлаб чиқилган. Умумий, техник ва тижорат қисмларидан иборат.

2.2. Умумий қисм Танлов иштирокчилари тақлиф, шартноманинг умумий талаблари ва мазкур Йўриқноманинг, шакл ва иловалар қўшилган ҳолда, ўз ичига олади.

#### 2.2.1. Шакллар рўйхати:

**1-шакл.** Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар.

**2-шакл.** Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари.

**3-шакл.** Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамгармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари.

**4-шакл.** Танлов предметига ўхшаш объектларда етарли иш тажрибаси.

**5-шакл.** Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда оғис оргтехникасининг рўйхати.

**6-шакл.** Танлов иштирокчисининг жорий даврдаги бошқа (пудрат шартномалари) объектлари.

**7-шакл.** Курилиш майдончасини кўздан кечирганлик тўғрисида маълумотнома.

#### 2.2.2. техник қисм:

- ишчи лойихани ишлаб чиқиш топшириғи

Изоҳ: лойиханинг хусусиятига қараб техникавий қисм таркибига ТАЖга биноан бошқа хужжатлар хам киритилиши мумкин.

- Молиялаштириши манбаси, шартлари хамда шартнома лойихасидан иборат.

### III. ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ

3.1. Мазкур лойиха ишлари бўйича Танловда тақлиф этилган шартлар бўйича иштирок этиш мақсадида мурожаат этган маҳаллий ва хорижий ташкилотлар Танлов иштирокчиси бўлиши мумкин.

3.2. Танлов иштирокчиси Танловда иштирок этиш учун Танлов ташкилотчисига мурожаат этиши, мазкур Йўрикноманинг VII-боби талабларига биноан Танлов таклифини тақдим этиши зарур.

3.3. Танлов иштирокчиси ўзининг Танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олиши керак.

Бунда буюртмачи, Танлов комиссияси Танлов натижаларидан қатъий назар, мазкур харажатлар учун жавобгар бўлмайди.

3.4. Танлов иштирокчилар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар (таклифлар) Танлов ҳужжатларида қўрсатилган талабларга жавоб бериши керак.

#### **IV. ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ**

4.1. Буюртмачи Танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин Танлов ҳужжатларига ўзгартеришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Иш ҳажмларни (хизматларни) ўзгартеришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу Танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат Танлов ҳужжатларига ўзгартеришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак.

4.2. ТАЖда қўрсатилган муддат доирасида Танлов иштирокчиси ёзма равишда Танлов ташкилотчисига Танлов ҳужжатлари бўйича тушунтириш ва аниқлик киритиш мақсадида мурожаат қилишга ҳақли.

4.3. Танлов иштирокчилари учун хабарнома тузишдан аввал оғзаки шаклда қилинган йўрикномалар эътиroz учун асос бўла олмайди.

#### **V. ҲУЖЖАТЛАРНИ ЎРГАНИШ**

5.1. Танлов иштирокчилари Танлов ва лойиҳа олди ҳужжатларини ўрганиб чиқишлари керак, Танлов иштирокчилари Танлов предметининг лойиҳа олди ҳужжатларини буюртмачи томонидан порталга жойлаштирилган ҳужжатлар оркали ўрганади.

Шунингдек, буюртмачи лойиҳа олди ҳужжатларини (чизмаларнинг асли нусхаси ёки электрон варианти)ни Танлов иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданоқ тақдим этишга мажбур.

5.2. Танлов иштирокчилари ишлар олиб бориладиган ер участкасини бориб қўришлари, АРТ ва техник топшириқларни жойнинг ўзида ўрганиш натижасида, талаф оширишни олиб бориши учун ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларнинг мазмун ва моҳияти билан танишишлари, шунингдек иш муддати ва унинг қийматига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа масалаларни ўрганишлари зарур.

5.3. Таклифларни топшириш Танлов иштирокчисининг юқоридагиларни ўргангани ва унда бажариладиган иш ҳажмларига, материал ва конструкциялар ҳажмига, бошқа шартларга нисбатан, лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган савол йўқлигига далолат ҳисобланади.

#### **VI. ТАНЛОВ ТАКЛИФИНИ ТАЙЁРЛАШ**

6.1. Танлов иштирокчилари томонидан тайёрланган таклиф, Танловга оид барча хабарномалар ва ҳужжатлар, Танлов иштирокчилари билан буюртмачи ўртасидаги маълумот алмашувлар ТАЖда қўрсатилган тилда олиб борилиши лозим.

6.2. Танлов иштирокчиси томонидан тайёрланган Танлов таклифида, унга оид барча хабарномалар ва ҳужжатларда метр системаси ўлчовидан фойдаланилади.

6.3. Танлов иштирокчиси Танлов таклифини мазкур Танлов ҳужжатлари асосида тайёрлайди. ТАЖда ва Танлов ҳужжатларининг бошқа қисмларида қўрсатилган маълумотларда тафовут бўлганида, Танлов иштирокчиси Танлов таклифини тайёрлашда ТАЖ маълумотларини ҳисобга олиши лозим.

6.4. Танлов иштирокчиси ўз Танлов таклифининг таркибида фақат тўғри маълумотларни тақдим этиши шарт ва маълумотларнинг тўғрилигига жавобгардир.

## **VII. ТАНЛОВ ТАКЛИФИ ТАРКИБИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР**

7.1. Танлов таклифлари, электрон нусхада ва Танлов ҳужжати талаблари асосида шакллантирилган бўлиши керак.

### **7.2. Топширилиши лозим бўлган ҳужжатлар таркиби:**

7.2.1. Иштирок этишни таъминлаш кафолати миқдорини тизимнинг маҳсус ҳисоб рақамига ўтказилади ва миқдори ТАЖда кўрсатилади.

7.2.2. Танлов иштирокчиси ҳакида умумий маълумотлар (1-шакл). Шаклни тўлдиришда мутахассислар рўйхати ва ишчилар сони иштирокчи томонидан мустақил кўрсатилади.

7.2.3. Танлов иштирокчиси охирги 3 йилдаги молиявий кўрсаткичлари. (2-шакл). Шаклни тўлдиришда ўз фаолияти давридаги молиявий холати тўғрисида маълумотлар киритилиши лозим. Шаклга иштирокчи аудитор компаниясининг хулосаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги ҳисбботлар (баланс ҳисбботлар)нинг нусхаларини илова қилиниши мумкин.

7.2.4. Танлов иштирокчисининг иш ҳаки жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари (3-шакл). Шакл ташкилотнинг тегишли ҳисбот даври асосида тўлдирилиб, тегишли солиқ органлари томонидан тасдиқланади. Агар ТАЖда бошқача талаблар кўрсатилмаган бўлса, 4-шаклдаги маълумотлар минг сўмда келтирилади.

7.2.5. Танлов предметига ўхша什 обьектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси (4-шакл). Ушбу жадвалда Танлов иштирокчиси Танлов предметига ўхша什 ишларнинг асосий турларини кўрсатиб ўтиши (кенгайтирилган ҳолда ҳам мумкин) ва ушбу ишларнинг бажарилган суммасини кўрсатиши керак.

7.2.6. Танлов иштирокчиси ишларни бажаришда фойдаланадиган офис оргтехникаси, компьютер дастурларининг рўйхати (5-шакл). Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, ижара асосидаги офис техникаларидан фойдаланишга рухсат этилади. Бунда Танлов иштирокчиси лойиха-смета ишларини бажариш даврида ҳақиқий бўлган ижара шартномасининг нусхасини илова қилиши керак.

7.2.7. Иштирокчининг Танлов ўтказилаётган даврдаги жорий лойиха ишлари шартномалари (объектлари) бўйича маълумот. (6-шакл).

7.2.8. Иштирокчининг Танлов ўтказилаётган даврдаги жорий лойиха шартномалари (объектлари) бўйича маълумот.(6-шакл)

7.2.9. Курилиш майдони кўздан кечирганлик тўғрисида маълумотнома.(7-шакл)

7.2.10. Иштирокчининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатларининг нусхалари.

7.2.11. Лицензиялар ёки рухсатномаларнинг нусхаси, субпурдатчининг лицензияси ва бошқа ҳужжатлари (айрим ҳолларда), рухсатномалари нусхалари билан бирга, агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса. Лицензиялар ва рухсатномалар номи ҳам ТАЖда кўрсатилган.

7.2.12. Юқорида сўралган шакллар ва ҳужжатларга Танлов иштирокчиси ТАЖда кўрсатилган тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиши керак.

7.3. Танловда қатнашиш буюртмаси таъминотини қуидаги ҳолатларда қайтаради:

7.3.1. Танлов голибига - шартнома (контракт) имзолангандан кейин;

7.3.2. Бошқа иштирокчиларга - Танлов голиби билан шартнома (контракт) тузилгандан сўнг, аммо офертанинг амал қилиш муддатидан кечикмай;

7.3.3. Таклифни тақдим этишнинг охирги куни ва вақти тугагунга қадар таклифларини қайтариб олган иштирокчиларга.

7.4. Буюртма таъминотини қайtариш, тизим томонидан автоматик тарзда қайtарилади.

7.5. Танловда иштирок этишга буюртма таъминоти қуидаги ҳолатларда қайtарилмайди:

7.5.1. Таклифни тақдим этишнинг охирги куни ва вақти тугагандан кейин, унга ўзгартриш киритган, Танлов таклифининг амал қилиш муддати ва 7.3.2 бандда кўрсатилган муддатдан олдин қайtариб олган оферентга;

7.5.2. Танлов голиби унинг таклифи амал қилиш даврида ўз таклифини қайtариб олганда ёки Танлов ҳужжатларида белгилangan талабларда шартнома тузишдан бош тортганда.

7.7. Дастребки малака Танлови оркали Танлов ўтказилганда биринчи йиғма жилд ҳужжатлари малакавий ҳужжатлар деб, иккинчи йиғма жилд ҳужжатлари эса Танлов таклифи деб ҳисобланади.

### VIII. ТАНЛОВ ТАКЛИФИ НАРХИ

8.1. Ишларнинг қиймати 4-иловада кўрсатилган объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатига биноан тақдим этилиши керак. Объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатидаги ҳар қайси ўрин бўйича бўш жойлар Танлов иштирокчиси таклиф этаётган баҳо кўрсатилган ҳолда аниқ тўлдирилган бўлиши лозим. Танлов иштирокчиси таклифининг умумий нархини аниқлашда оралиқ суммалар жамланади. Танлов иштирокчилар ишларни Танловда иштирок этаётгандаги ишларнинг таклиф этилаётган қийматини, ишларнинг шартномавий баҳолардаги тўғридан-тўғри қиймати сифатида бошқа харажатлар ва қўшимча қиймат солиғи (КҚС)ни ҳисобга олган ҳолда белгилашлари керак.

8.2. Танлов иштирокчиси объектда бажариладиган иш ҳажмларининг баҳоланган рўйхатини ва асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлар жадвалини босма кўринишда, хат доғларисиз ва тузатишларсиз тақдим этиши керак.

8.3. Сўз билан ёзилган нарх ва рақам билан кўрсатилган нарх орасида тафовут бўлса, сўз билан кўрсатилган нарх қабул қилинади.

8.4. Ҳажм бирлигининг қиймати ва ишнинг умумий ҳажми суммаси орасида тафовут бўлса ҳажм бирлигига белгиланган нарх қабул қилинади.

8.5. Танловда белгиланган ишларнинг нархи ва муддати ўзгартирилмайди, қонунчилик билан белгиланган ҳолатлар (буортмачи томонидан ишлар ҳажмини ўзгартирилиши, енгилмас куч таъсири) бундан мустасно.

### IX. ТАНЛОВ ТАКЛИФИННИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ДАВРИ

9.1. Танлов таклифининг амал қилиш даври ҳужжатлар топширилгандан сўнг 12 кундан кам бўлмаслиги керак, агарда ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса.

### X. ТАКЛИФЛАРНИ БЕРИШ ШАКЛИ

10.1. Танлов иштирокчиси таклифни ташкил этувчи барча ҳужжатларнинг электрон жойлаштириш керак.

10.2. Таклифнинг ҳужжатлари, барча шакиллари электрон вариантда ҳар бир бети Танлов иштирокчиси раҳбари ёки ваколат берилган шахс томонидан имзоланган ва Танлов иштирокчисининг муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

10.3. “Танлов иштирокчилари га хабарнома”га мувофиқ зарур ёзувлар ёки тузатишлар киритилган таклифнинг барча бетлари Танлов таклифи остига ўз имзосини қўйган шахс томонидан тасдиқланиши керак.

10.4. Таклифда ўзгартиришлар, сатрлар орасига киритмалар ва ўчиришлар бўлмаслиги керак. Танлов ташкилотчisi хабарномасига мувофиқ киритилган ёки Танлов иштирокчиси йўл қўйган хатоларни тузатиш учун зарур бўлган ўзгартиришлар бундан мустасно.

Мазкур тузатишлар таклиф остига ўз имзосини чеккан шахс томонидан имзоланиб, тасдиқланган бўлиши керак.

10.5. Танлов комиссияси ҳар қандай ўзгартиришлар, четга чиқишлиар ёки муқобил таклифларни қабул қилиш ёки рад этиш хуқукини ўзида сақлаб қолади. Танлов ҳужжатлари талабларини оширувчи ўзгартиришлар, четга чиқишлиар, муқобил таклифлар ва бошқа омиллар Танлов таклифларини баҳолашда эътиборга олинмайди.

### XI. ТАНЛОВ ТАКЛИФИНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ

11.1. Таклиф берилганидан сўнг, Танлов иштирокчиси Танлов таклифига ўзгартиришлар киритиши мумкин эмас.

11.2. Таклифлар бериш муддати тугагандан сўнг таклифларга ўзгартиришлар киритишига йўл қўйилмайди.

## **XII. ТАНЛОВ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ**

12.1. Танлов таклифлари қабул қилиш муддати тугангандан сўнг, комиссия томонидан кўриб чиқилади.

## **XIII. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ БАҲОЛАШ (ТЕХНИК БАҲОЛАШ)**

13.1. Танлов иштирокчисини талаб қилинадиган малакага мос келишини ҳал этиш учун тўлдирилган шакллар ва уларга илова қилинган, унинг таклифида тақдим этилган тасдиқловчи хужжатлар ўрганилади.

13.2. Танлов иштирокчилари таклифларини баҳолаш уларни техник жиҳатдан амалга ошириш юзасидан ТАЖда кўрсатилган Танлов таклифларини баҳолаш мезонларига биноан баҳоланади.

13.3. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, баҳолаш вараги қуидаги шаклда тўлдирилади:

## **XIV. МОЛИЯВИЙ ТАКЛИФЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ, ЯКУНИЙ БАҲОЛАШ, ТАНЛОВ ҒОЛИБИНИ АНИҚЛАШ**

14.1. Танлов таклифларини техник қисми Танлов комиссияси томонидан баҳолангандан сўнг техник қисм натижаларини инобатга олган ҳолда тизим орқали автоматик тарзда ғолиб аниқланади.

14.2. Агар Танлов комиссияси томонидан таклиф хужжатларининг бирортасини Танлов хужжатлари талабларига жавоб бермаслиги аниқланган тақдирда Танлов иштирокчисининг таклифи рад этилиб, унинг мазмуни эълон қилинмасдан Танловдан четлатилади.

14.3. Агар ТАЖда бошқача кўрсатилмаган бўлса, барча молиявий таклифлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида баҳоланади (ўтказилади).

## **XV. ТАНЛОВ ҒОЛИБИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ**

15. Танлов ғолибини эълон қилиш электрон тарзда аниқланади ва Танлов баёни электрон шакилланади.

## **XVI. ШАРТНОМАНИ ИМЗОЛАШ**

16.1. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, таклифни қабул қилиш ҳақидаги хабарнома олинган кундан бошлаб 10 (үн) кун давомида ғолиб ТАЖда кўрсатилган шакл ва сумма бўйича шартномани имзолаши керак, агарда белгиланган муддат бошқа сабабларга кўра узайтирилмаётган бўлса.

16.2. Шартнома ташкилотларнинг мулкчилик шаклидан қатъий назар қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда, Танлов хужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича тузилиши лозим ва томонларнинг хеч бири Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқа томон билан келишмаган ҳолда ўзгартиришлар киритишга ва бошқа шартларни таклиф этишга ҳақли эмас (ТАЖга қаранг).

16.3. Агар Танлов ғолиби мазкур Танлов хужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича шартномани тузишдан бош тортса, унда буюртмачи, Танлов комиссияси билан биргаликда, таклифи иккинчи ўринни олган Танлов иштирокчисини Танлов ғолиби деб топиши ёки тақрорий Танлов ўтказишни тайинлаши мумкин.

16.4. Буюртмачи ғолиби розилигисиз, мазкур Танлов хужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўзда тутилган талаблар бўйича шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, ғолиб иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақли.

## XVII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

17.1. Электрон тизим Танловни қуйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади, агар:

- таклифларни бериш муддатини яқунланишига иккитадан кам таклиф келиб тушса;
- агар таклифларни кўриб чикиш натижасида Танлов комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса ёки факат битта таклиф Танлов хужжатлари талабларига мувофиқ келса:
- Танлов иштирокчилари таклиф этган нархлар Танлов предметининг бошлангич қийматидан ошиқ бўлса;
- Танлов комиссияси томонидан асосланган бошқа ҳолатлар юзага келиб, ваколатли орган билан келишилган ҳолда Танлов ўтказилмаган деб топилса.

21.2. Танловни бўлиб ўтмаган деб эълон қилиниши Танловнинг бирон-бир иштирокчиси (Танлов комиссияси, буюртмачи, ташкилотчи, Танлов иштирокчилар) ни мулкий ёки бошқа жавобгарликка тортилишига олиб келмайди.

21.3. Агар Танлов бўлиб ўтмаган деб топилса, такорий Танлов ўтказилади. Бунда Танлов хужжатлари талабларини қайта кўришга рухсат этилади.

## XXII. ТАНЛОВ АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

Ушбу бўлим Танлов предмети бўйича ва Танлов хужжатларининг қўшимча маълумот ва талаблари маҳсус қоидаларини ўз ичига олади.

T/р	Бўлим номи	Бўлимга изоҳлар
1.	Буюртмачи:	“Сув таъминоти ва оқава сув обьектлари курилиши бўйича инжинииринг компанияси” УК Жиззах вилояти худудий бошқармаси
2.	Объект номи:	Жиззах вилояти Янгиобод тумани "Учтўргон" чегара божхона постини ичимлик суви билан таъминлаш" "объектини лойиха смета хужжатларини ишлаб чиқиши.
3.	Танлов тури:	<i>Ochiq Tanlov</i>
4.	Танлов хужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари:	<i>Etender.uzex.uz</i>
5.	Танловда иштирок этишни таъминлаш кафолати миқдори:	Танловда иштирок этишни таъминлаш кафолати миқдори тизимнинг маҳсус хисоб ракамига ўтказилади. Танлов буюртмасининг таъминлаш кафолати миқдори <b>945 000</b> сўм (объектни лойиха смета хужжатлари ишлаб чиқиш бошлангич қийматининг 3 фоизи миқдорида)
7.	Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълон чоп этишга рухсат этилади:	<i>Etender.uzex.uz маҳсус ахборот портали</i>
8.	Танловда иштирок этишга қўйидаги ташкилотларга рухсат этилади:	<i>Мулкчилик шаклидан қатъий назар, Махаллий ва хорижий лойиҳа ташкилотлари</i>

		<p>Танловда лойиҳа ташкилотлари консорциумлар, қўйшима (ушибу танлов предмети учун маҳсус бирлашган) корхоналар кўринишида иштирока тижорат таклифларини тақдим этишиларига руҳсат берилади.</p>
9.	Лицензия талаб этиладиган иш турлари:	<p>Танлов предмети бўйича ишларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 май «Қурилиш соҳасида айрим фаолият турларини лицензиялаш ва аккредатция қилиш тўғрисида»ги 381-қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 сентябрдаги 410-сонли қарорига мувофиқ лицензияга эга бўлиши шарт.</p> <p>Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиши лицензия талаб этилади, жумладан, 3-тоифадаги:</p> <p>Уй-жой-хўжалик қурилиши учун обьектлар ва комплекслар лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш;</p> <p>Саноат қурилиши учун обьектлар ва комплекслар лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш;</p> <p>Сув хўжалиги қурилиши учун обьектлар ва комплекслар лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш;</p> <p>Магистрал муҳандислик тармоқларини (магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларидан ташқари) лойиҳалаштириш;</p> <p>Топогеодезик ва геология ишларини олиб бориш учун лицензия.</p>
10.	Танлов таклифларини тақдим қилиш муддатлари:	<i>Etender.izex.uz</i> маҳсус ахборот порталада белгиланади.
11.	Танлов ҳужжатининг тили:	Ўзбек тили
12.	Танлов таклифларини баҳолаш муддати:	таклифларни баҳолаш даври Танлов таклифлари очилган кундан эътиборан узоғи билан 10 иш кунни ташкил этади
13.	Буюртмачининг обьект бўйича бошланғич нархи:	ҚҚС билан <b>31 500 000 сўм</b> Оферентларнинг буюртмачи бошланғич нархига нисбатан 90 % дан кам берилган таклифлар рад этилади.
14.	Буюртмачи томонидан белгиланган лойиҳа ишлаб чиқиш муддати	<b>20 кун</b>
15.	Молиялаштириш манбаси:	Жиззах вилоят махаллий бюджетидан

16.	Лойиҳани молиялаштириш тартиби:	Молиялаштириш шартлари: бўнак (аванс) - Танлов натижаларига кўра жорий йил учун аниқланган ишларнинг қиймати 30 фоизи миқдорида; ажратилган бўнак, ушлаб қолинишини хисобга олган ҳолда, ИХ экспертизага топширилгандан сўнг бажариладиган ишлар қийматининг 70 фоизи миқдоригача; колган 30 фоизи – ИХ лойиха Буюртмачига топширилгандан сўнг (муаллифлик назоратидан ташқари)
17.	Шартнома тили:	Ўзбек тили
18.	Шартнома валютаси:	сўм.
19.	Кўшимча хужжатлар рўйхати:	<i>Солик қарздорлиги ва бошқа маъжбурий тўловлар ўйғулиги тўғрисида ваколатли органнинг маълумотномаси;</i> <i>Лойиха ташкилотининг ушибу турдаги объектни лойихалаш учун лицензияси мослиги;</i> <i>Ходимларнинг диплом нусхаси, ишга қабул қилингандаги тўғрисида буйруқ, меҳнат дафтарчаси(электрон) нусхаси, низом, гувохнома нусхаси</i>
20	Иштирокчиларнинг техник қисмдан ўтиш бали	70 бал ва ундан юқори бал тўплаган иштирокчилар

### ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Танлов иштирокчисининг номи \_\_\_\_\_

Танлов иштирокчиси раҳбарнинг фамилияси, исми ва отасининг исми \_\_\_\_\_

Манзили ва телефон (факс) рақами \_\_\_\_\_

Юридик мақоми \_\_\_\_\_

Тузилган санаси (ким томонидан, берилган ордер ёки буйруқ рақами) \_\_\_\_\_

Асосий фаолият тури (статистика идораси коди бўйича) \_\_\_\_\_

#### Раҳбар ва унинг ўринбосарлари:

т/р	Ф.И.О.	маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси)	иш тажрибаси (йил)	эгаллаган лавозими	эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5	6

#### Асосий ходимлар (Лойиха бош мухандиси ва бошқалар)

т/р	Ф.И.О.	маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси)	лойиҳалашда иш тажрибаси (йил)	эгаллаган лавозими	эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5	6
				Лойиха бош мухандиси	
				Лойиҳачилар	
				Сметчилар	
				Мухандис- техник ходимлар	
				бошқалар	

Кадрлар бўлими бошлиғи: /имзо ва муҳр/

Танлов иштирокчиси раҳбарининг имзоси:

Тузилган сана: “\_\_\_\_\_” 20 \_\_\_\_ й.

**Изоҳ:** Танлов иштирокчисининг кейинги ----- йилдаги статистика ҳисоботларининг нусхалари ҳамда ишчи ходимлар учун ушбу ташкилотда камида 1 йиллик доимий иши фаолиятини тасдиқловчи ҳужжатлари тақдим этилади.

## 2 - ШАКЛ

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИННИГ МОЛИЯВИЙ КҮРСАТКИЧЛАРИ**

(Шаклга кейинги ----- йилдаги молиявий натижалар ва бухгалтерия баланслари ҳақидаги ҳисобот илова қилинади)

АКТИВЛАР	(Танлов иштирокчисининг номи)			ПАССИВЛАР	20__ й 20__ й 20__ й		
	20__ й	20__ й	20__ й		20__ й	20__ й	20__ й
<b>Узок муддатли активлар</b>				<b>Ўз маблағлари манбаи</b>			
Асосий воситалар				Устав фонди			
Шундан Ишлаб чиқариш фонdlари				Тақсимланмаган фойда			
Қолдик қиймат				<b>Мажбуриятлар</b>			
Капитал қуylмалар				Займлар			
Тугалланмаган ишлаб чиқариш				Кредитор қарздорлик			
<b>Жорий активлар</b>				Шундан муддати ўтган қарздорлик			
Айланма маблағлар				Шундан бюджетдан қарздорлик			
Улардан ишлаб чиқариш захиралари				Шундан иш ҳақидан қарздорлик			
Дебитор қарздорлик							
Шундан муддати ўтган қарздорлик				<b>Жами баланс пассиви бўйича</b>			
Жами баланс активи бўйича							

**МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР**

Номи	20__ й	20__ й	20__ й	Номи	20__ й	20__ й	20__ й
1. Реализациядан олинган тушум				8. Соф фойда			
2. Реализациядан олинган соф тушум				Шундан асосий фаолият бўйича			
3. Реализация килинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннахи				Умумхўжалик фаолият бўйича			
4. Маъмурий харажатлар				9. Асосий фаолиятдан олинган фойда			
5. Бошка харажатлар				10. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда			
6. Даромад солиги тўловигача фойда				11. Зарар шундан асосий фаолиятдан			
7. Даромад солиги				умумхўжалик фаолиятдан			

Баланс фойдаси \_\_\_\_\_

Охирги ----- йилда банкротлик ёки тўлов қобилиятсизлиги юзасидан судиши олиб борилганми?  
**Танлов иштирокчисининг салоҳияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида**  
**МАЪЛУМОТ**

		Ташкилот томонидан ўтган йил (20__ йил) якуни билан тақдим этилган бухгалтерия баланси (Ф-1) хисоботи кўрсаткичлари										
СТИ Р	Ташкил от тоифаси	Асосий воситала р колдик (баланс) киммати Ф-1, 012- сатри	Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициен ти (1,25) =9/(10-11)	бухгалтерия баланси (Ф-1) бўйича кўрсаткичлар			Ўз айланма маблағлари билан таъминланганл ик коэффициенти (0,20) =(13+14+15- 16)/17	бухгалтерия баланси (Ф-1) бўйича кўрсаткичлар				
				390 - сат р	770 - сат р	490 - сат р		480 - сат р	570 - сат р	580 - сат р	130 - сат р	390 - сат р
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13

Қоплаш коэффициенти (тўловга қодирлик) ташкилотнинг қисқа муддатли мажбуриятларининг тўлов имкониятларини кўрсатади, у факат дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ва тайёр маҳсулотни кулагай сотиш шартлари билангина эмас, балки жорий (айланма) активларнинг бошқа элементлари билан баҳоланади. Коэффициентнинг камайиши ташкилотнинг имкониятлари пасайланлигидан далолат беради.

Коэффициент қуидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$\text{Кпл} = \frac{\text{Жорий (айланма) активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}} = \frac{\text{A2}}{\text{П2 - ДО}}, \text{ бунда:}$$

**A2** - жорий (айланма) активлар (ишлиб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзи ва шу кабилар), баланс активининг II бўлими, 390-сатр;

**П2** - мажбуриятлар, баланс активининг II бўлими, 770-сатр;

**ДО** - узок муддатли мажбуриятлар (бухгалтерия балансининг 490-сатри).

Агар тўловга қодирлик коэффициенти ҳисобот даври охирида 1,25 дан паст қийматга эга бўлса, ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича тўловга қодир эмас деб ҳисобланади.

Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти ташкилотнинг молиявий барқарорлиги учун зарур бўлган унинг ўз айланма маблағлари мавжудлигини, ташкилот мулкдорлари ва кредиторлар манфаатларининг нисбатини ифодалайди.

Коэффициент қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Кос} = \frac{(\text{П1} + \text{Дзк2}) - \text{A1}}{\text{A2}}, \text{ бунда:}$$

**A1** - узок муддатли активлар (асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қуйилмалар ва шу кабилар), баланс активининг I бўлими, 130-сатр;

**П1** - ўз манбалари маблағлари (устав капитали, захира капитал, кўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва шу кабилар), баланс пассивининг I бўлимининг якуни, 480-сатр;

**Дзк2** - узок муддатли активларни сотиб олишга йўналтирилган узок муддатли қарзлар ва кредитлар (бухгалтерия балансининг 570 ва 580-сатрларидан хисоблаб чиқиш йўли билан).

Ушбу касрнинг сурати ташкилот ўз маблағларининг қанча суммаси айланмага йўналтирилганлигини, маҳраж - барча айланма маблағлар суммасини кўрсатади. Ушбу коэффициентнинг энг кам қиймати - 0,2.

Агар хисобот даври охирида ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 дан кам қийматга эга бўлса, у ҳолда ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича ўз айланма маблағлари билан таъминланмаган деб хисобланади.

Рахбар \_\_\_\_\_ Бош хисобчи \_\_\_\_\_

муҳр

Сана: « \_\_\_\_ » 20 \_\_\_\_ й.

**Изоҳ:** Танлов иштирокчисининг кейинги 3 йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлари таркибида аудитор компаниясиниг ижобий хulosасини тақдим этиши мумкин. Баланс хисоботларининг нусхалари тақдим этилиши шарт.

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИННИГ ИШ ҲАҚИ ЖАМҒАРМАСИ ВА ҲОДИМЛАР ЎРТАЧА  
СОНИ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Давр	СТИР	Махсулот (товар ва хизмат)ларни реализациясидан соф тушум (Ф-2, 010- сатри), минг сўмда	Иш ҳақи жамғармаси, минг сўмда	Ҳодимларнинг ўртача сони (ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдоридан кам бўлмаган иш ҳақи ҳисобланган ходим сонидан келиб чиқиб)
1	2	3	4	5
X		X	X	X
Ўтган йил (20__ йил) якуни бўйича	X			
Жорий йил (20__ йил) охирги ҳисобот даври бўйича	X			
Жами	X			

шахар (туман) давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

шахар (туман) давлат солиқ инспекцияси  
камерал назорат бўлими бошлиғи

**ТАНЛОВДАГИ ОБЪЕКТГА ЎХШАШ ОБЪЕКТЛАРДА  
ОХИРГИ УЧ ЙИЛЛИК ИШ ТАЖРИБАСИ**

(Танлов иштирокчисининг номи)

т/р	Объект номи, шартнома суммаси, ишларнинг бошланиш ва якунланиш санаси	Буюртмачи номи	Бажарилган ишлар суммаси	Шундан йиллар бўйича		
				20__ й.	20__ й.	20__ й.
Жами:						

Ташкилот раҳбарининг имзоси: \_\_\_\_\_

Тузилган санаси: “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

Тасдиқланган: \_\_\_\_\_  
(бози ҳисобчи имзоси)

**Изоҳ:** Маълумотлар Танлов иштирокчиси томонидан шартнома ва бажарилган ишлар далолатномаларининг нусхалари билан тасдиқланади.

**ИШЛАРНИ БАЖАРИШДА ФОЙДАЛАНАДИГАН  
ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНинг ОРГТЕХНИКА, ИШЛАРГА ОИД  
КОМПЬЮТЕР ДАСТУРЛАРИНГ  
РҮЙХАТИ**

Т/р	Номи	Маркаси	Сони	Ишлаб чиқарилган йили	Қуввати	Техник ҳолати	Балансида ёки ижарада
1	2	3	4	5	6	7	8
ОФИС ТЕХНИКАЛАРИ							
1							
2							
3							
4							
5							
6							
	Ҳаммаси						

Ташкилот раҳбарининг имзоси: \_\_\_\_\_

Тузилган санаси: “ \_\_\_\_ ” 20 \_\_\_\_ й.

**Изоҳлар:**

1. 8 устунга офис техникасининг Танлов иштирокчиси балансида эканлиги ёки ижарага олинганилиги тўғрисидаги маълумот киритилади.
2. Ижарага оргтехника олингандা ижара шарноманинг нусхаси тақдим этилади (шартнома лойиҳани бајарии даври мобайнида ҳақиқий бўлиши керак).

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИННИГ ЖОРЙ ДАВРДАГИ БОШҚА  
(ЛОИХА ШАРТНОМАЛАРИ) ОБЪЕКТЛАРИ**

т/р	Буюртмаши номи	Объект номи	Шартнома бўйича бажарилган ишлар суммаси	Шартнома суммаси, бошланиш ва яқунланиш санаси	Мавжуд оғис ва оргтехника номлари	Танловнинг предмети – лойиҳани бажариш вақтида бошқа объектларга жалб этилган оргтехника сони – (ойлар бўйича)			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Ташкилот раҳбарининг имзоси: \_\_\_\_\_

Тузилган санаси: “\_\_\_\_\_” 20\_\_\_\_ й.

**Изоҳлар:**

1. Бажарилган ишларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилиши шарт.
2. Объектда бажарилиши лозим бўлган лойиҳалиширии ишлари учун келгусида жалб этиладиган оргтехника сони кўрсатилади.

**ҚУРИЛИШ МАЙДОНЧАСИНИ КҮЗДАН КЕЧИРГАНЛИК ТҮРСИДА  
МАЪЛУМОТНОМА**

Ушбу билан тасдиқланадики, Мен \_\_\_\_\_

(Ф.И.О, лавозими)

томунидан 20 \_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ да

берилган ишончномага асосан қуидагиларни батафсил ўргандим:

- а) Танлов хужжатларини
- б) лойиха олди хужжатларини

Мазкур ишларни сифатли, тўла ўз вақтида бажарилишига келгусидаги ишларнинг қийматига, хажмларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли шароитлар ва бошқа холатлар хамда лойихалаш майдони билан танишдим. Ушбу холатларнинг борчаси ўз таклифимизда хисобга олинган.

Изоҳ: ушбу шаклда объектни ўрганиб чиқилганлиги тўрисидаги маълумотлар, шу жумладан, лойихалаш йўллари, мухандислик тармоқларининг мавжудлиги, мавжуд бино иншоотлар ва ишлаб чиқариш билан боғлик бошқа масалалар лойихалаш, жойга чиқган холда фото расм хамда бош режаси кўринишида тақдим этилади.

Катнашчининг ваколатли вакили: \_\_\_\_\_

(Ф.И.О)

(имзо )

*Ташкилот раҳбарининг имзоси:* \_\_\_\_\_

*Тузилган санаси:* “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_ 202 \_\_\_\_ йил

*Баҳолаши меъонлари*

T/p	Шаклларни баҳолаш параметрининг номи.	Баллар миқдори	Оферентлар				
<b>I. Тендер иштироқчиси хақида умумий маълумотлар. 1-шакл (19 балл)</b>							
1.	Иш стажи етарли бўлган, олий маълумотли лойиха мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 2 киши мавжудлиги.	6					
2.	5 йил иш стажига эга 6 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (Лойиха бош мухандиси, Лойиха бош архитектори ва бошқалар)	4					
3.	Ходимларнинг йиллик ўртacha сони 10-30 ( <i>иичи ходимларга ҳисобланган иш ҳақи бўйича тақдим қилинган солиқ ҳисоботлари асосида охирги жасами 12 ойда ҳисобланган иш ҳақи миқдори билан текширилади</i> )	5					
4.	Дипломли 3 йил иш стажига эга геодезистлар ва геологлар гурӯҳи	4					
<b>II. Тендер иштироқчисининг молиявий қўрсатгичлари, салоҳияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот. 2,3- шакллар. (34 балл) *</b>							
1	Асосий воситаларнинг қолдик қиймати 500 млн. сўм ва ундан кўп	7					
2.	Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги	3					
3.	Ўтган йилда 100 млн.сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги	9					
4.	Иш ҳаққи жамғармаси камида 150 млн. сўм	7					
5.	Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициенти 1.25 ва ундан кўп	5					
6.	Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0.2 ва ундан кўп	3					
<b>III. Тендердаги обьектга ўхшаш обьектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси*. 4 - шакл (31 балл)</b>							
1.	Тендердага ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариши йилига N (N-Буюртмаси бошланғич нархининг 20 % ва ундан кўп хар бир йили 7 балл билан баҳоланади)	21					
2.	Тендердагига ўхшаш профил бўйича охирги 3 йилда ўз кучи билан 20 тадан кам бўлмаган ишчи лойиха ишлаб чиқғанлиги.	10					

**IV. Оргтехника рўйхати, 5 – шакл, тендер иштироқчисининг жорий даврдаги бошқа (лойиха шартномалари) объектлари (10 балл)**

1.	<p>Лойиха-смета хужжатларини ишларини бажариш учун зарур бўлган офис оргтехникалари, компьютер дастурлари:</p> <p>5 та гача – 1 балл 10 та гача – 5 балл 15 та гача – 7 балл 20 та гача – 10 балл ва х.к</p>	5						
	Шартномалар буйича	5						

**V. Курилиш майдони кўрганлик ва лойиха олди хужжатларини ўргангандик тўғрисида маълумотнома. 7-шакл.(6-балл)**

1.	Курилиш майдонини кўрганлиги ва ўрганиб чиқганлиги (жойни ўргангандик хақидаги хисобот,курилиш материаллари манбаи хақидаги хисобот,харита, фото суратлар билан тақдим этилиши шарт)	6						
----	--	---	--	--	--	--	--	--

*Бахолаш мезони комиссия раиси томонидан қўшимча ва ўзгаришиши киритилиши мумкин.*

## ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ТИЖОРАТ ҚИСМИ

### I. БҮЮРТМАЧИННИГ БОШЛАНГИЧ НАРХИ

1.1. Бүортмачининг бошлангич нархи Танлов Ахборот Жадвалида (ТАЖ) да кўрсатилган.

### II. БҮЮРТМАЧИ БЕЛГИЛАГАН ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ МУДДАТИ

2.1. Лойиха смета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича барча ишлар ТАЖда кўрсатилган муддатдан кечиктирилмасдан якунланиши керак.

### III. МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАИ

3.1. Объектни молиялаштириш ТАЖда кўрсатилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

### IV. МОЛИЯЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИ

4.1. Молиялаштириш шартлари (агар ТАЖда бошқа ҳолат айтилмаган бўлса):

бўнак (аванс) – Танлов натижаларига кўра аниқланган, лойиха ташкилоти жорий йилидаги ишлар кийматининг 30 фоизи микдорида;

жорий молиялаштириш ажратилган бўнак, пропорционал ушлаб қолинишини ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар кийматининг 70 фоизи микдорида;

4.2. Кейинги йилга ўтадиган объектлар бўйича Танлов ўтказилганда, бүортмачи томонидан жорий йилда ТАЖда кўрсатилган микдорда маблағ ажратиш кўзда тутилган.

4.3. Тўловлар Бүортмачи томонидан шартнома талабларига биноан амалга оширилади.

4.4. Ишларни бажариш бўйича шартномаси қуидаги тартибот хужжатларига жавоб бериши керак:

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-ҳукукий базаси ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига.

### V. ШАРТНОМА ВАЛЮТА ТУРИ

5.1. Агар ТАЖда бошқача кўзда тутилмаган бўлса, шартномасининг валюта тури – ўзбек сўмида.